



**ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА**  
**БРОНХОСАН®**  
**BRONCHOSAN**

**Препаратнинг савдо номи:** Бронхосан®

**Дори шакли:** ичга қабул қилиш учун томчилар

**Таркиби:**

100,0 г эритма куйидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар*

Бромгексин гидрохлориди	0,8000 г
Қалампир ялпиз мойи	0,0250 г
Эвкалипт мойи	0,0250 г
Фенхель мойи	0,0750 г
Арпабодиён мойи	0,0250 г
Тоғрайхон мойи	0,0250 г
Левоментол	0,1500 г

*ёрдамчи моддалар:* калий дигидрофосфати – 0,6000 г, натрий гидрофосфати – 0,0310 г, хлорид кислотаси 35% - 0,0390 г, сахароза – 10,000 г, триэтиленгликоль – 0,6000 г, полисорбат 80 – 0,4000 г, этанол 95% - 36,000 г, тозаланган сув – 100,000 г гача

**Таърифи:** тиниқ, рангсиздан оч-сарик ранглигача бўлган, ментол ҳидли суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** балғам кўчирувчи муколитик восита.

**АТХ коди:** R05CB02

**Фармакологик хусусиятлари**

Мажмуавий препарат бўлиб, муколитик, балғам кўчирувчи, спазмолитик ва микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Бромгексин – муколитик (секретолитик) восита бўлиб, балғам кўчирувчи ва кучсиз йўталга қарши таъсир кўрсатади. Балғамнинг қовушқоқлигини пасайтиради (мукопротеин ва мукополисахарид толаларнинг полимер боғларини парчалайди, бронхиал секретнинг сероз компонентини оширади); хилпилловчи эпителийни фаоллаштиради, балғамнинг хажмини оширади ва уни ажралиб чиқишини яхшилайдди. Нафас жараёнида альвеоляр хужайраларнинг барқарорлигини таъминловчи эндоген сурфактантни ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради.

Препаратнинг таркибига кирувчи эфир мойлари яллиғланишга қарши, балғам кўчирувчи ва микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Левоментол ўртача даражада спазмолитик, биров антисептик таъсирга эга.

**Фармакокинетикаси**

Ичга қабул қилинганида бромгексин 30 минут давомида деярли тўлиқ (99%) сўрилади. Қон зардобидаги максимал концентрацияга тахминан 1 соатдан кейин эришилади. Бромгексиннинг тахминан 80% жигар орқали биринчи марта “ўтиш” самараси оқибатида жадал метаболизмга учрайди. Плазмада бромгексин оксиллар билан боғланади, гематозэнцефалик ва йўлдош тўсиқлари орқали ўтади. Бромгексин жигарда деметилизация ва оксидланишга учраб, натижада фаол метаболит – амброксол ҳосил бўлади.

Ярим чиқарилиш даври тўқималарда қайта диффузия бўлиш секинлиги туфайли 15 соатни ташкил этади. Буйраклар орқали чиқарилади. Сурункали буйрак етишмовчилигида бромгексиннинг метаболитларини чиқарилиши бузилади. Кўп марта қўлланганида бромгексин тўпланиши мумкин.

### **Қўлланилиши**

Нафас йўлларининг ёпишқоқ балғамни қийин ажралиб чиқиши билан кечувчи касалликлар: трахеобронхит, турли этиологияли бронхитлар (шу жумладан, бронхоэктазлар ва ўпка эмфиземаси билан асоратланган, шунингдек сурункали обструктив бронхит), бронхиал астма, ўпка туберкулёзи, пневмококиоз, ўткир ва сурункали пневмония, муковисцидоз.

- Операциядан олдинги даврда ва бронхлар ичида даволовчи ва диагностик муолажаларни ўтказишда бронх дарахтини санация қилиш, бронхларда операциядан кейин қуюқ ёпишқоқ балғамни тўпланиши олдини олишда қўлланади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Ичга овқатдан олдин ёки кейин оз миқдордаги сув билан ёки қанд бўлагига томизиб, етарли миқдордаги сув билан қабул қилинади. Бронхосан® препаратининг муколитик таъсири катта миқдорда суюқлик қабул қилинганда кучаяди.

*Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга:* 20 томчидан суткада 4 марта.

*6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга:* 15 томчидан суткада 4 марта.

*3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга:* 10 томчидан суткада 4 марта буюрилади.

Даволаш курси 4-28 кунни ташкил этади. Даволаш давомийлиги касалликни клиник кечишига боғлиқ. Препаратни 5 кун давомида қабул қилинганда ижобий самара бўлмаганда шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Буйрақлар фаолиятини оғир даражадаги бузилишларида шифокорнинг тавсияси бўйича препаратнинг дозасини камайтириш ёки қабул қилишлар орасидаги оралиқни ошириш керак.

### **Ножўя таъсирлари**

Қуйида келтирилган ножўя реакцияларнинг сони Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини таснифига мувофиқ аниқланган:

жуда тез-тез – 1/10 дан кўп;

тез-тез – 1/100 дан кўп 1/10 дан кам;

тез-тез эмас – 1/1000 дан кўп 1/100 дан кам;

кам ҳолларда – 1/10000 дан кўп 1/1000 дан кам;

жуда кам ҳолларда – 1/10000 дан кам, шу жумладан алоҳида хабарлар келтирилган.

*Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар*

Тез-тез эмас – диспептик бузилишлар, шу жумладан кўнгил айниши, қусиш.

Кам ҳолларда – меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини зўрайиши.

*Тери ва тери ости тўқималар томонидан бузилишлар*

Кам ҳолларда – эритема, шиш.

*Иммун тизими томонидан бузилишлар*

Кам ҳолларда – аллергия реакциялар, шу жумладан, ангионевротик шиш, адабиётларда анафилактик турдаги ўткир оғир даражадаги реакциялар ҳоллари хатто анафилактик шок ривожланганлиги ҳақида жуда кам хабарлар берилган.

*Лаборатор ва инструментал белгилар*

Кам ҳолларда - қон зардобидида “жигар” трансаминазаларининг фаоллигини қайтувчан ошиши.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик.
- Ҳомиладорлик.
- Лактация даври.
- Меъда ёки ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, шу жумладан анамнезида (бромгексин таъсирида меъда ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватини химоя қатлами бузилиши мумкин).

- 3 ёшгача бўлган болалар.
- Фруктозани туғма ўзлаштираолмаслик, глюкоза-галактозани кам сўрилиши ёки сахароза изомальтоза етишмовчилигида (препаратнинг таркибида сахароза борлиги туфайли) қўллаш мумкин эмас.

#### Эҳтиёткорлик билан

- Жигар етишмовчилиги, жигар касаллиги.
- Буйрак етишмовчилиги.
- Анамнезида меъдадан қон кетиш.
- Бронхиал секретни хаддан ташқари кўп тўпланиши билан кечувчи, бронх касалликлари.
- Алкоголизм.
- Тутқаноқ, бош мия касалликлари, бош мия жароҳатлари.
- Болаларда (3 ёшдан ошган) эҳтиёткорлик билан қўлланади.

#### Дориларнинг ўзаро таъсири

Бронхосан<sup>®</sup> препаратининг таркибига кирувчи бромгексин микробларга қарши даволашнинг биринчи 4-5 кунда баъзи антибиотиклар (окситетрациклин, эритромицин, цефалексин, окситетрациклин), сульфаниламид дори воситаларини бронхиал секретга ўтишини яхшилайти.

Бронхосан<sup>®</sup> ни кодеин сақловчи дори воситалар ва йўталга қарши бошқа воситалар билан бирга буюриш тавсия этилмайди, чунки йўтал рефлексини сусайиши оқибатида суялган балғамни эвакуациясини қийинлаштиради.

Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар (салицилатлар, фенилбутазон, оксибутазон) билан бирга қўлланганида меъданинг шиллик қаватига қитикловчи таъсири кучайиши мумкин.

Бромгексин ишқорий эритмалар билан номатуносиб.

#### Махсус кўрсатмалар

Бронхосан<sup>®</sup> препаратининг 1 мл да 25 томчи бор.

Бронхосан<sup>®</sup> ичга қабул қилиш учун томчилар, 34,56% тоза этил спирти ва 10% ли сахароза сақлашни ҳисобга олиш керак (яъни, 100 г эритма 36 г этанол 10 г сахароза сақлайди).

Препаратнинг таркибида этанол борлиги сабабли дорига қарамлик, жигар касаллиги, алкоголизм, тутқаноқ, бош мия касалликлари, бош мия жароҳатларини ривожланишига мойиллиги бўлган одамлар учун Бронхосан<sup>®</sup> томчилар препаратини қўллаш хавфли ҳисобланади.

Препаратнинг бир марталик ва максимал суткалик дозаларида тоза этил спирти ва нон бирлиги (препарат сахароза сақлайди) нинг миқдори.

Препаратни ёшга боғлиқ бир марталик ва максимал суткалик дозаси	Тоза этил спиртининг миқдори граммларда	Нон бирлиги миқдори
<b>3-6 ёш</b>		
Бир марталик дозаси 10 томчи	<0,13824	<0,004
Максимал суткалик доза 40 томчи	<0,55296	<0,016
<b>6-12 ёш</b>		
Бир марталик доза 15 томчи	<0,20736	<0,006
Максимал суткалик доза 15 томчи	<0,82944	<0,024
<b>Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар</b>		
Бир марталик доза 20 томчи	<0,27648	<0,008

Максимал суткалик доза 80 томчи	<0,10592	<0,032
---------------------------------	----------	--------

*Транспорт воситаларини бошқариш ёки бошқа потенциал хавфли турдаги фаолиятларни бошқариш қобилиятига таъсири*

Препаратнинг таркибида этил спирти борлиги сабабли, даволаниш даврида транспорт воситаларини бошқариш ва диққатни жамлаш ва психомотор реакциялар тезлигини талаб қилувчи бошқа потенциал хавфли турдаги фаолиятларни бажаришдан сақланиш керак.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Дозаси ошириб юборилганда дозасига боғлиқ ножўя самаралар кучайиши мумкин; меъдани ювишни ўтказиш ва ўз навбатида ичга фаоллаштирилган кўмирни қабул қилиш керак.

*Даволаш:* симптоматик.

#### **Чиқарилиш шакли**

Ичга қабул қилиш учун томчилар.

25 мл дан томчилагич қопқоқли тўқ рангли шиша флаконларда.

Ҳар бир флакон қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

#### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда.

#### **Яроқлилик муддати**

3 йил.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

#### **Қайд этиш гувоҳномасининг эгаси**

Зентива а.с., Словакия Республикаси

Эйнштейнова 24, 851 01 Братислава, Словакия Республикаси

(Zentiva a.s., Slovak Republic Einsteinova 24, 851 01 Bratislava, Slovak Republic.)

#### **Ишлаб чиқарувчи**

Санека Фармасьютикалс а.с., Словакия Республикаси

Нитрианска 100, 920 27 Глоговец, Словацкая Республика

(Saneca Pharmaceuticals a.s., Slovak Republic Nitrianska 100, Hlohovec 920 27)